

Тошкент шаҳри

2024 йил 8 апрелдаги таҳрири

“SMART MARKETPLACE” МЧЖ (Кейинги ўринларда – «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади) Устав асосида фаолият кўрсатувчи директор Алимов Азимжон Насимович номидан “Smart Marketplace” Электрон савдо майдончаси (Кейинги ўринларда – Ахборот тизими деб юритилиши мумкин) орқали қуйидаги шартлар асосида хизмат кўрсатишни таклиф этади.

Ушбу оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси асосида тузилган бўлиб, smart-market.uz электрон савдо майдончаси орқали маҳсулот ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш бўйича ахборот хизматларни кўрсатиш таклифини ўз ичига олади.

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Офертада қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

Ахборот тизими («smart-market.uz») – бозор тамойиллари асосида маҳсулот ва хизматларни эркин сотиш ёки сотиб олиш имконини берадиган дастурий маҳсулот.

Шахсий кабинет – ахборот тизимида маҳсулот ва хизматларни сотиш, сотиб олиш, тўловлар тўғрисида маълумот бериш, буюртмаларни амалга ошириш ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш учун яратилган дастурий интерфейс.

Таъминотчи – ахборот тизими орқали ўз маҳсулот ва хизматларини сотувчи хўжалик юритувчи субъект.

Воситачи ташкилот – ахборот тизимида Харидор сифатида рўйхатдан ўтган субъектнинг тўлов қобилиятини текшириш (баҳолаш) ва Харидорнинг Ахборот тизими орқали Таъминотчи (сотувчи)дан Маҳсулотни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш учун Банкдан микроқарз/кредит олиш жараёнини автоматлаштириш учун яратилган платформага эга бўлган юридик шахс.

Харидор – мазкур ахборот тизими орқали таклиф этилган маҳсулот ва хизматларни харид қилувчи жисмоний шахс (фуқаро), юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор), ўзини ўзи банд қилган шахс ёки юридик шахс.

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) – ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатдаги ахборотни махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда очиқ калит ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда ўзгариш йўқлигини аниқлаш ва ёпиқ калит эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Ҳоким ёрдамчиси – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

Пул маблағларини депонентлаш (бундан буён матнда «эскроу» хизмати деб юритилиши мумкин) – харидорнинг тўланган пул маблағларини шартномага доир тегишли мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунигача қадар ушлаб туриш хизматидир.

Оферта – Хизмат кўрсатувчининг номуайян шахслар доирасига масофадан туриб интернет орқали турли хизматлар кўрсатиш бўйича “Хизмат курсатувчи”нинг шартларига мувофиқ шартнома тузишга қаратилган таклиф.

Акцепт – ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган таклифда келтирилган шартлар асосида шартнома тузишга оид таклиф (оферта) билан розилик.

Томонлар - ушбу офертанинг томонлари биргаликда Хизмат кўрсатувчи, Таъминотчи ва Харидордир;

Шахсга доир маълумотлар - электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий ташувчиларда қайд этилган аниқ жисмоний шахсга тегишли ушбу Шартнома билан тартибга солинадиган маълумотлар;

Шахсга доир маълумотларни тўплаш - шахсий маълумотларни олишга қаратилган ҳаракатлар;

Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш - шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш, ўзгартириш, қўшиш, фойдаланиш, тарқатиш, шахсийлаштириш, блокировка қилиш ва йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар;

Офертанинг ушбу бўлимда белгиланганмаган атамалардан Офертада фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда, бундай атаманинг талқини Оферта матнига мувофиқ амалга оширилади. Агар атамани аниқ маъноли талқини Шартнома матнида бўлмаганда, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан, иккинчи навбатда, Интернетда белгиланган талқин (умумий ишлатиладиган) амал қилиш керак.

2. ОФЕРТАНИ ТАСДИҚЛАШ (АКЦЕПТЛАШ)

2.1. Ушбу хизматлардан фойдаланиш учун мазкур Оферта шартларига тўлиқ розилик билдирилиши ва қабул қилиниши лозим.

2.2. Таъминотчи томонидан интернет тармоғидаги smart-market.uz электрон манзилида жойлашган электрон савдо майдончасида тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, электрон рақамли имзоси ёрдамида мазкур офертани имзолагандан сўнг, Харидор эса кўрсатилган манзилда жойлашган электрон савдо майдончасида тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, ушбу оферта билан танишганликни тасдиқловчи ҳаракатни (тегишли белги (галочка) қўйиш) амалга ошириши Таъминотчи ва/ёки Харидорнинг ушбу Оферта шартларига тўлиқ розилигини (акцептланганини) билдиради.

3. ОФЕРТАНИНГ ПРЕДМЕТИ

3.1. Мазкур Офертага мувофиқ «Хизмат кўрсатувчи» Ахборот тизими орқали «Таъминотчи»га ўз маҳсулот ёки хизматлар сотиш бўйича электрон савдо майдонча орқали хизмат кўрсатиш, «Таъминотчи» эса Ахборот тизимдан мазкур Офертада белгиланган тартибда фойдаланиш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

3.2. Мазкур Оферта «Таъминотчи» ва/ёки Харидор томонидан акцептланганидан бошлаб тегишлича акцептлаган томон учун кучга киради.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Таъминотчи ва/ёки Харидор мазкур Офертани акцептлашдан олдин, Хизмат кўрсатувчининг <https://smart-market.uz/uz/publicoffer> сайтида жойлаштирилган “Шахсга оид

маълумотларнинг махфийлик Сиёсати” ва Ахборот тизимидан фойдаланиш шартлари, мазкур Офертанинг мазмуни, шартлари, кўрсатиладиган хизматлар баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби билан тўлиқ танишиб чиқиши шарт.

4.2. «Таъминотчи» фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ёки электрон тижоратда муомаласи чекланмаган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш учун ахборот тизимига жойлаштиради ва жойлаштирганлиги учун тўлов ундирилмайди.

4.3. Жойлаштирилган маҳсулот ва хизматларнинг амалдаги қонунчиликка мослиги, мазмуни ва тўлиқлиги 1 (бир) иш куни давомида Хизмат кўрсатувчининг модераторлари томонидан ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижаси бўйича маҳсулот ва хизматлар маркеплейсга қабул қилинади ёки сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилади.

4.4. «Таъминотчи» томонидан ахборот тизимида жойлаштирадиган маҳсулотга тегишли зарур маълумотлар (мотороллер, мотокультиватор, тикув машиналарининг мотор, двигатель ёки кузов серия рақами) таъминот шартномаси лойиҳасига киритиш учун хизмат кўрсатувчига тизимнинг тегишли бўлимларига киритиш йўли билан тақдим этилмаса, ахборот тизимида шартнома расмийлаштириш имконияти автоматик тарзда чекланади ва бу маҳсулотларни ахборот тизими орқали сотиш имконсиз бўлади шу боис бундай маҳсулотларни ахборот тизимига жойлаштириш рад этилади.

4.5. Жойлаштирилган маҳсулот ва хизматларни модератор томонидан кўриб чиқиш натижаси «Таъминотчи»нинг тизимдаги шахсий кабинетда кўрсатилади.

4.6. Ахборот тизими орқали сотиладиган маҳсулот ва хизматлар учун таъминот шартномасини имзолашдан олдин «Таъминотчи» томонидан шартнома суммасининг 3 фоизи миқдорда закат пули банк ҳисоб рақами орқали пул кўчириш йўли билан «Хизмат кўрсатувчи»нинг ҳисоб рақамига кўчириб бериши ёки «Таъминотчи»нинг ихтиёри асосида ушбу закат пули Хизмат кўрсатувчи томонидан киритилиши мумкин, бундай ҳолатда «Таъминотчи» ушбу офертанинг 10.2 - бандида белгиланган миқдорда хизмат ҳаққи тўлаш мажбуриятини олади.

4.7. Товарлар (ишлар, хизматлар) учун харидор томонидан тўловни амалга ошириш чоғида Хизмат кўрсатувчи тўланган пул маблағларини харидордан товарлар (ишлар, хизматлар) олинганлигининг тасдиғи олингунига қадар сақлаш ҳуқуқига эга.

4.8. Хизмат кўрсатувчи «эскроу» хизматини амалга оширишда:

– шартноманинг тегишли шартлари бажарилгунига қадар пул маблағларини банкнинг алоҳида махсус ҳисобварағида сақлаши ёки уларнинг банк картасида депонентлигини таъминлаши;

– депонентланган пул маблағларининг ҳисобга олинишини уларни электрон тижоратдаги муайян шартномаларга боғлаган ҳолда таъминлаши;

– пул маблағлари депонентланганлиги фактига ва улар шартнома тарафларига ўтказилганлиги фактига тааллуқли ахборотни тақдим этиши;

– Электрон тижорат иштирокчиларининг депонентланган пул маблағлари «эскроу» хизматини кўрсатувчининг мулки ҳисобланмайди ва улардан унинг ҳар қандай контрагент олдидаги, шу жумладан давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

«Эскроу» хизматини жорий этишда тегишли шартнома доирасида, агар товар етказиб берилмаса ёки тавсифга мос келмаса, Хизмат кўрсатувчи пул маблағларини харидорга қайтаради (асосли даъво мавжуд бўлганда) ёки, агар товар харидор томонидан олинган ва қабул қилинган бўлса, пул маблағлари сотувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Агар харидор шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати тугагач товарлар (ишлар, хизматлар) олинганлиги фактини тасдиқламаса ёки рад этмаса, пул маблағлари шартномада назарда тутилган муддатда автоматик равишда сотувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

«Эскроу» хизматини кўрсатишнинг асосий шarti Харидор Товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловни «Таъминотчи» ва Харидор ўртасида тузиладиган таъминот шартномасига асосан тўғридан-тўғри Таъминотчига эмас балки Хизмат кўрсатувчи томонидан очилган банкнинг алоҳида махсус ҳисобварағига ўтказиши лозим.

5. ТАЪМИНОТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ

5.1. Ахборот тизимида «Харидор» томонидан танланган маҳсулот ва хизматлар бўйича буюртма расмийлаштирилгач, таъминот шартномасининг лойиҳасини тизим электрон шаклда автоматик тайёрлаб беради. «Таъминотчи»га шартноманинг айрим бандларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш имкони берилади.

5.2. Буюртма расмийлаштирилган вақтдан бошлаб «Таъминотчи»га шартнома лойиҳасини кўриб чиқиш ва имзолаш учун 1 (бир) тўлиқ иш куни давомида вақт берилади.

5.3. Бироқ, закат пули Хизмат кўрсатувчи томонидан киритилган бўлиб, Хизмат кўрсатиш ҳаққи «Таъминотчи» томонидан олдиндан тўланмаган бўлса, Ахборот тизимида таъминот шартномасининг лойиҳасини имзолаш имкони чекланади.

Мазкур офертанинг 5.2 – бандида кўрсатилган муддат ичида «Таъминотчи» томонидан шартноманинг имзоланмаслиги буюртма бекор қилинишига асос бўлади.

5.4. «Таъминотчи» таъминот шартномасини имзолаган вақтдан бошлаб, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган ёки шартнома қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинган вақтга қадар шартнома суммасининг 3 фоизи миқдоридаги закатга банд қўйилади.

5.5. «Таъминотчи» томонидан шартнома имзоланган вақтдан бошлаб, «Харидор»га шартномани имзолаш учун 1 (бир) тўлиқ иш куни давомида вақт берилади.

Ушбу муддат ичида «Харидор» томонидан шартноманинг имзоланмаслиги буюртма ва шартномани бекор қилинишига асос бўлади ҳамда закат пулига қўйилган банд ечилади.

5.6. Шартнома «Таъминотчи» ва «Харидор» томонидан тўлиқ имзоланганидан сўнг юридик кучга эга бўлади ва томонлар ўзларининг шартномавий мажбуриятларини бажаришга киришадилар.

5.7. «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган маҳсулот ёки хизматларни белгиланган муддат ва шартлар бўйича тизимда тайёрланган электрон ҳисоб-фактурага асосан етказиб беради, харидор эса маҳсулот ёки хизматларни шартномада кўрсатилган таркиби, миқдори ва сифати бўйича электрон ҳисоб-фактурани ўзининг электрон рақамли имзоси билан имзолаб, қабул қилиб олади.

5.8. Агар таъминот шартномаси бўйича тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сонли қарорига асосан «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари» доирасидаги кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, маҳсулот ва хизматлар етказиб берилганлиги Ҳоким ёрдамчисининг электрон далолатномаси билан тасдиқланган кундан бошлаб, 3 (уч) банк иш кунида тегишли тижорат банки томонидан пул кўчириш йўли билан ўтказиб берилади.

5.9. Таъминот шартномаси бўйича тўлов Харидорнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

5.10. Бошқа ҳолларда тўлов тартиби «Таъминотчи» ва «Харидор» ўртасида ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

5.11. Агарда Ҳоким ёрдамчиси томонидан маҳсулот етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги тўғрисида электрон далолатнома расмийлаштирилганда, харидор ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган таъминот шартномаси шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар мазкур шартнома бўйича банд қўйилган закатат суммаси низо бартараф этилгунга қадар банд қилинишига ва «Таъминотчи»ни тизимда ноҳалол «Таъминотчи» сифатида кўрсатилишига асос бўлади.

5.12. Шартнома, ишончнома ва ҳисобварақ-фактуралар ахборот тизими орқали hujjat.uz тизимида расмийлаштирилади ва томонларга юборилади.

6. ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Хизмат кўрсатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– «Таъминотчи»дан етказиб берилган маҳсулот (хизмат) сифатини таъминлаш ва қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этишни талаб қилиш;

– Хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилаётган техник, технологик ёки бошқа сабаблар аниқланган ҳолда улар бартараф этилгунга қадар «Таъминотчи»га Шартнома шартлари асосида хизмат кўрсатишни вақтинчалик тўхтатиб туриш;

– «Таъминотчи» томонидан Шартнома шартлари бузилган ёки бажарилмаган ҳолда унга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга;

– бир томонлама мазкур Офертага ўзгартириш киритиш, закатат ва тўлов миқдорини қонунчиликда белгиланган миқдорларда ўзгартиришга ҳақли, бунда «Хизмат кўрсатувчи» тегишли ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимининг интерфейсида жойлаштириш ёки SMS хабар юбориш йўли билан «Таъминотчи»ни огоҳлантиради;

– «Таъминотчи»нинг хоҳиши асосида офертада кўрсатилган закатат пулини ўзи киритиб бунинг эвазига мазкур офертага асосан қўшимча ҳақ олиш.

– Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «эскроу» хизматини кўрсатиши.

– Ахборот тизимига ёки банк ҳисобварақларига «эскроу» хизматини жорий этиши.

– Товарлар (ишлар, хизматлар) учун харидор томонидан амалга оширилган тўловни харидордан товарлар (ишлар, хизматлар) олинганлигининг тасдиғи олингунга қадар сақлаш.

– Хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

6.2. Хизмат кўрсатувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

– Ахборот тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, нархларнинг сунъий оширилишига йўл қўймаслик;

– Ахборот тизими орқали сифатли хизмат кўрсатиш;

– Ахборот тизимини такомиллаштириб бориш;

– Депонентланган пул маблағларидан ҳар қандай контрагент олдидаги, шу жумладан давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш учун ва қонунчилик ҳужжатларида белигиланмаган ҳар қандай бошқа мақсадларда фойдаланмаслик.

– Хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. ТАЪМИНОТЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Таъминотчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ўзининг маҳсулот (товар) ва хизматларини ахборот тизимига текин жойлаштириш;
– ахборот тизими орқали шакллантириладиган таъминот шартномасининг айрим бандларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш;
– ахборот тизими орқали хизматларни сифатли ва ўз вақтида кўрсатилишини талаб қилиш;
– «Таъминотчи» Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. «Таъминотчи» қуйидаги мажбуриятларга эга:

– фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки электрон тижоратда реализация қилиниши чекланган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ахборот тизимига жойлаштирамаслик, акс ҳолда бундай маҳсулотларни жойлаштирганлик учун тегишли ваколатли органлар олдида мустақил жавобгар бўлиши;

– Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Солиқ қўмитаси томонидан “Таъминотчи” лар томонидан маҳсулот (хизмат)ларнинг ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш юзасидан кучайтирилган назорат ўрнатилганлигини инobatга олиб, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик;

– шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқларини учинчи томонга бермаслик;

– Хизмат кўрсатувчига товарлар (ишлар, хизматлар) Харидор ёки Буюртмачига етказилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

– етказиб берилган маҳсулот (хизмат) сифатини таъминлаш ва қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этиш;

– ахборот тизимида жойлаштирадиган маҳсулотга тегишли зарур маълумотларни (мотороллер, мотокультиватор, тикув машиналарининг мотор, двигатель ёки кузов серия рақами)ни киритиш;

– етказиб берилган маҳсулот (хизмат)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда таъминот шартномасига мувофиқ уларни бартараф этиш;

– ахборот тизимига малака, техник ҳамда тижорат талабларига жавоб берадиган маҳсулот ва хизматларни жойлаштириш;

– рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслик;

– солиқ ҳисоботида ахборот тизимида жойлаштирадиган тегишли маҳсулотни кириш қилиш;

– солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик.

– «Таъминотчи» Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Юқорида қайд этилган мажбуриятларни бажармаслик «Таъминотчи»ни Ахборот тизимида иштирок этишдан четлатишга ва Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритилишга асос бўлади.

8. ХАРИДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. «Харидор» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

– Маҳсулотни Таъминотчи томонидан Харидорга ўтказишдан олдин исталган вақтда рад этиш.

– Сифат етарли бўлмаган сотиб олинган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тартибда ва шартларда қайтариш.

– етказиб берилган маҳсулот (хизмат)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда таъминот шартномасига мувофиқ уларни бартараф этишни таъминотчидан талаб қилиш;

8.2. «Харидор» қўйидаги мажбуриятларга эга:

– Офертани тузишдан олдин унинг мазмуни ва шартлари, Таъминотчи Ахборот тизимида таклиф қилаётган Товар нархлари, шунингдек, Хизмат кўрсатувчининг https://_____ сайтида жойлаштирилган ҳужжатлари билан танишиб чиқиш.

– Таъминотчи Харидор олдидаги мажбуриятларини бажариши учун Харидор товар (хизмат) ларни Харидорга етказиб бериш учун талаб этиладиган барча зарурий маълумотларни тақдим этиши.

– Буюртма қилинган Товар ва унинг етказиб берилишига оид тўловни таъминот Шартномасига кўра амалга ошириш.

– Баҳсларнинг олдини олиш учун буюртмани расмийлаштириш пайтида хизмат кўратувчи ва таъминотчи томонидан ахборот тизимида жойлаштирилган маълумотлар билан танишиш.

– етказиб берилган Товар (хизмат)га тўловни таъминот шартномасида белгиланган муддат ва тартибларда амалга ошириш ва уни қабул қилиш.

– Шахсий кабинетдан ўз akkaунтидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат Харидорнинг ўзи томонидан амалга оширилган ҳаракат деб ҳисобланишини англаши.

– Ўз akkaунти орқали ахборот тизимида ҳаракатларни амалга ошириш орқали у ушбу оферта матни билан танишганлигини тасдиқлайди ва унинг шартларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

– Танланган Буюртманинг тўғри бажарилишини (миқдори, танланган Маҳсулот, Маҳсулот миқдори ва бошқалар) тўлов амалга оширилгунга қадар диққат билан текшириш.

– ўз логин (телефон рақами) ва паролни учинчи шахсларга бермаслик мажбуриятини олади ва шу сабабли логин (телефон рақами) ва паролнинг хавфсизлиги учун фақат жавобгардир.

– Шахсий кабинетда ўзи ҳақида тўғри, аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиши ва ушбу маълумотларни янгилаб туриши.

– Харидорнинг akkaунтидан фойдаланган ҳолда Шахсий кабинетга рухсациз (Харидор томонидан рухсат этилмаган) кириш ҳолатлари ва/ёки махфийлик ва Шахсий кабинетга киришнинг ҳар қандай бузилиши (бузилиш гумони) тўғрисида дарҳол хизмат кўрсатувчини хабардор қилиши.

– Ахборот тизими орқали сотиб олинган товарлар сифатига оид барча даъволарни таъминотчига бериш.

– Томонлар қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

9. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

9.1. Ахборот тизими «Хизмат кўрсатувчи»нинг интеллектуал мулки ва тижорат сирини ҳисобланади. «Таъминотчи»га ушбу Ахборот тизимидан ўз маҳсулот ёки хизматларини сотиш учун ўзгаришсиз фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

9.2. «Таъминотчи» ушбу Ахборот тизимини, шунингдек унинг қисмларини, ўзгартириш ёки унинг бирон бир қисмини декомпиляция қилиш, учинчи шахсларга бериш, нашр қилиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас, «Хизмат кўрсатувчи»нинг ёзма рухсати мавжудлиги бундан мустасно.

9.3. Ушбу офертада назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10. ХИЗМАТ КўРСАТИШНИНГ СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ахборот тизими орқали хизмат кўрсатиш ҳақи шартнома суммасининг 0,2 фоизи миқдордаги маблағ “Таъминотчи” томонидан киритилган закат пулидан ушбу офертага мувофиқ ушлаб қолинади.

10.2. Закат суммаси Хизмат кўрсатувчи томонидан киритилса, Хизмат кўрсатиш ҳақи шартнома суммасининг 0,4 фоизини ташкил қилиб, ушбу миқдордаги маблағ “Таъминотчи” ва Харидор ўртасида имзоланадиган таъминот шартномасини имзолагунга қадар Хизмат кўрсатувчининг ушбу офертада кўрсатилган ҳисоб рақамига олдиндан тўлаб берилиши лозим, акс ҳолда Ахборот тизимида “Таъминотчи” ва Харидор ўртасида имзоланадиган таъминот шартномаси лойиҳасини имзолаш имконияти чеклаб қўйилади.

10.3. Ахборот тизими орқали Харидорларга хизмат кўрсатиш учун ҳақ ундирилмайди.

10.4. «Таъминотчи» Ахборот тизимида **“Заказат хизмат кўрсатувчи томонидан киритилсин”** тугмасини босиши орқали ушбу хизматдан фойдаланишга розилик билдиради ва ушбу офертанинг 10.2 – бандида кўрсатилган хизмат ҳаққини тўлаш мажбуриятини олади.

10.5. «Харидор» ва «Таъминотчи» ўртасида электрон ҳисоб-фактура имзолангач, Мазкур Офертада кўрсатилган хизмат ҳақини сақлаб қолган ҳолда, закалад пулининг қолган қисми банддан ечилади, закат пули Хизмат кўрсатувчи томонидан киритилган ҳолларда хизмат кўрсатиш ҳақи ушбу офертанинг 10.2 – бандида кўрсатилган тартиб ва муддатларда тўлаб берилади.

10.6. Мазкур оммавий офертага асосан Таъминотчига **қўшимча хизматлар** кўрсатилиши мумкин қўшимча хизматлар тури ва уларнинг нархлари хизмат кўрсатувчининг <https://smart-market.uz/uz/about/plans> сайтида жойлаштирилган.

10.7. «Таъминотчи» ўзи киритган закат пуллариининг эркин қисмини исталган вақтда ахборот тизими орқали электрон ариза бериш йўли билан 1 (бир) банк иш куни давомида қайтариб олиши мумкин, закат пули пул кўчириш йўли билан амалга оширилмаганда ушбу закат пулини қайтариш муддати томонлар ўртасида қўшимча равишда келишилади.

10.8. Таъминот шартномаси бўйича тўлов Харидорнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилганда Харидор тўловни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган барча усулларда, шунингдек оммавий офертаси ахборот тизимида жойлаштириладиган тўловни бўлиб бўлиб тўлаш имкониятини яратиб берадиган дастурий тизимга эга бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда – “Воситачи ташкилот” деб юритилади) ёрдамида амалга ошириши мумкин, агарда Харидор тўловни оилавий тадбиркорликни

ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредит маблағлари асосида тўлов қилса, тегишли тижорат банки томонидан тўғридан-тўғри пул кўчириш йўли билан ўтказиб берилади.

10.9. Агарда тўлов “Воситачи ташкилот” лар орқали бўлиб бўлиб тўланадиган бўлса, Харидор ушбу “Воситачи ташкилот” ларнинг оммавий офертасини акцептлаши лозим уларнинг офертаси Ахборот тизимида жойлаштирилади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

11.1. Қуйидаги ҳолатлар учун «Хизмат кўрсатувчи» жавобгар бўлмайди:

– «Хизмат кўрсатувчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Таъминотчи» тизимдаги имкониятлардан фойдалана олмаётгани учун;

– телекоммуникация тармоқларидаги узилишлар, носозликлар ва алоқа сифати учун;

– ахборот тизимидан фойдаланиш ёки ундан фойдалана олмаслик, шунингдек учинчи шахсларнинг хато ва камчиликлари сабабли «Таъминотчи» зарар кўрганда;

– «Таъминотчи» томонидан ўзининг электрон рақамли имзоси учинчи шахсларга берилиши оқибатида етказилган зарар учун;

– тизимга «Харидор» ёки «Таъминотчи» ўзи тўғрисида нотўғри маълумотлар жойлаштирганлиги сабабли етказиб бериш жараёнида кўрилган зарар учун.

11.2. «Таъминотчи» уч ва ундан ортиқ буюртма бўйича шартнома тузишни рад этилган тақдирда, «Хизмат кўрсатувчи» мазкур «Таъминотчи» га хизмат кўрсатмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

11.3. «Таъминотчи» тизим орқали тақдим этган маълумотларнинг мазмуни ва тўғрилиги учун «Харидор»лар олдида жавобгардир.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

12.1. Томонларнинг мазкур Офертада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

12.2. Шартномани бажариш юзасидан томонлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаганда, амалдаги қонунчилик асосида Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилиши мумкин.

13. АХБОРОТ МАХФИЙЛИГИ

13.1. «Таъминотчи» ўзи ҳақидаги барча маълумотларнинг, шу жумладан шахсга оид маълумотларининг smart-market.uz ахборот тизимида сақланиши, қайта ишланиши ва қонунчиликда белгиланган ҳолатларда учинчи шахсларга берилишига розилик беради.

13.2. «Хизмат кўрсатувчи» ахборот тизимидаги маълумотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан лозим даражада ҳимоялаш мажбуриятини олади.

14. ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

14.1. Мазкур Оферта Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига биноан, оммавий, очиқ-ошкоралик асосида амал қилувчи ҳужжат ҳисобланади.

14.2. Офертанинг амал қилиш муддати у акцептланган санадан бошлаб, шартнома шартлари тўлиқ бажарилган кунга қадар амал қилади.

14.3. Мазкури оммавий оферта билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ

"SMART MARKETPLACE" МЧЖ

Юридик манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа
автомобил йўли кўчаси, 38-уй.

СТИР: 309095650

Ҳ/р: 2020 8000 9054 6738 5002

МФО: 01095

ASIA ALLIANCE BANK Шайхонтохур филиали.